ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЯНГИЙЎЛ ШАҲАР
ҲОКИМИ

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКАЯ ОБЛАСТЬ
ХОКИМ
ГОРОДА ЯНГИЮЛЬ

# ҚАРОР
# РЕШЕНИЕ

2018 йил «24» сентябрь 463-сон Янгийўл ш.

**Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2019 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддаси ва “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш шароитларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Низомга асосан ҳамда маҳаллий “Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25 моддаларига қўлланиб,

## ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун шаҳардаги корхона, ташкилот ва муассасалар учун ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сонидан 245 кишини ташкил этадиган 5,3 фоиз миқдорида, шу жумладан:

14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ҳамда кўп болали ота-оналар учун 8,9 фоиз – 22 киши;

Умумий ўрта ва таълим муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг грантлари бўйича таълим олган битирувчилар учун 68,5 фоиз – 168 киши;

Сафарбарлик чақируви заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – 10,2 фоиз – 25 киши;

Ногиронлар ва пенсияолди ёшдаги шахслар учун 3,6 фоиз – 9 киши;

Жазони ижро этиш муассаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 8,1 фоиз – 20 киши;

одам савдоси жабрдийдалари учун 0,4 фоиз – 1 киши миқдорида иш ўринлари заҳираси белгилансин.

2. Янгийўл шаҳри бўйича ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2019 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган корхона, ташкилот, муассасалар рўйхати янги иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда кийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2018 йил 31 декабрь кунига қадар квота иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи, 2019 йил 10 апрель кунидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва қарор бўйича чиқарилган бўйруқ нусхаларини шахар Бандликка кўмаклашиш марказига тақдим этиш вазифалари юклатилсин;

2019 йил 1 апрелга қадар банд қилинган иш ўринларни меҳнат шароитлари ва асбоб ускуналари жароҳатлаш хавфсизлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги "Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 263-сонли қарорига асосан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилишини амалга оширсинлар;

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш жойларининг кўрсатиб ўтилган миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 05 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ белгиланган муддатларда ва тартибда яратилишини (ажратилишини ёки банд қилиб қўйилишини) ҳамда иш жойлари санитария-гигиена нормаларига ва ходим ўз мажбуриятларини тўсиқларсиз бажарилишини таъминлайдиган меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар;

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 19-бандига мувофиқ тегишли тартибда жавобгарлик масаласи ҳал этилсин;

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш шароитларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Низомга асосан ижтимоий

муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини шаҳар ҳокими томонидан белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ва ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини шаҳар Бандликка кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш маркази жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Шаҳар Бандликка кўмаклашиш маркази (Қ.Носиров) бир ҳафта муддатда мазкур қарорни тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига етказсин ҳамда унинг бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминласин.

7. “Янгийўл” рўзнома бош мухаррири (А.Рихсибоев) ушбу қарор матнини “Янгийўл” рўзномасида чоп этилишини таъмиласин.

8. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Э.Абдувалиев зиммасига юклатилсин.

**Шаҳар ҳокими** **Ф. Мирзаев**